



№ 187
Mishoff
12.01.2016 й



«ТАСДИҚЛАНГАН»

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий
алоқалар, инвестициялар ва савдо
вазирлигининг
2016 йил "08" январдаги
6-п- сонли буйруғи билан



«О'ЗТАДБИРКОРЕКСПОРТ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

УСТАВИ

Тошкент 2016 йил

МУНДАРИЖА

	Бет
1-Модда. КОМПАНИЯНИНГ ФИРМА НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ), ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ.	3
2-Модда. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ.	3
3-Модда. УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ТУРЛАРИ.	5
4-Модда. КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ.	6
5-Модда. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.	6
6-Модда. КОМПАНИЯНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.	8
7-Модда. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.	10
8-Модда. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ.	12
9-Модда. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ.	13
10-Модда. БОШҚА ҚОИДАЛАР.	13

1-МОДДА
КОМПАНИЯНИНГ ФИРМА НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ),
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

- 1.1. Қуйида «Компания» деб номланадиган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қошидаги «O'ZTADBIRKOREKSPORT» Акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 декабрдаги ПҚ-2463 – сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2016 йил “08” январдаги 6-п - сонли буйруғига мувофиқ ташкил этилган.
- 1.2. Компания ўз фаолиятида мазкур Уставга ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига таянади.
- 1.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуни (қуйида «Қонун») ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан ишлаб чиқилган.
- 1.4. Компаниянинг фирма номи:
- 1.4.1. Компаниянинг тўлиқ фирма номи:
- Ўзбек тилида: «O'ZTADBIRKOREKSPORT» Aksiyadorlik jamiyat;
 - Рус тилида: Акционерное общество «УЗТАДБИРКОРЭКСПОРТ»;
 - Инглиз тилида: «UZTADBIRKOREXPORT» joint stock company.
- 1.4.2. Компаниянинг қисқартирилган фирма номи:
- Ўзбек тилида: «O'ZTADBIRKOREKSPORT» AJ;
 - Рус тилида: АО «УЗТАДБИРКОРЭКСПОРТ»;
 - Инглиз тилида: «UZTADBIRKOREXPORT» JSC.
- 1.5. Компаниянинг почта, жойлашган ва электрон манзили: Ўзбекистон Республикаси, почта индекси 100029, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ўзбекистон кўчаси, 1, расмий сайти: www.uzte.uz, info@uzteuz.com.
- 1.6. Компаниянинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

2-МОДДА.
КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА
МАҚСАДИ

- 2.1. Компания фаолиятининг асосий мақсади фойда топиш ҳисобланади.
- 2.2. Ўз фаолиятининг мақсадига эришиш учун Компания қуйидагиларни амалга оширади:

- Кичик бизнес субъектлари, фермер ва деҳқоқ хўжаликлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг экспортини тўғридан-тўғри экспорт шартномалари, ҳамда чет элда ташкил этилган савдо уйлари ва ваколатхоналари орқали амалга ошириш;
- Дунё ва минтақавий бозорлар конъюнктурасининг тизимли маркетинг изланишларини олиб бориш, ҳамда уларда вужудга келаётган тенденцияларга асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотининг сотиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш
- Тижорат банклари ва бошқа молия институтлари билан биргаликда маҳсулотни экспорт қилиш бўйича амалдаги шартномалари гаровида кичик бизнес ташкилотларини экспорт олди молиялаштиришни таъминлаш ишларини амалга ошириш;
- Электрон савдо расталари технологияларини қўллаш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотини илдам силжитиш замонавий усулларни тадбиқ этиш;
- экспортга мўлжалланган маҳсулотни дунё талаблари ва стандартларига мувофиқлигини сертификатлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам ҳамда ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташкилотларига республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар, хом-ашё ва материалларни олиб кириш;
- реклама тадбирларини ташкиллаштириш, халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш, уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирок этиши бўйича ахборот ва маслаҳат ишларини амалга ошириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортбоп маҳсулотларини чет эл харидорлари буюртмаларига асосан шакллантириш ва тайёрлашни ташкил этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига асосан республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик жихозлар, эҳтиёт ва бутловчи қисмларни етказиб беришни амалга ошириш;
- реклама тадбирларини ташкиллаштириш, халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш, уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирок этиши бўйича ахборот ва маслаҳат бериш ишларини амалга ошириш;
- Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт ва импорт тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларнинг сифати ва техник даражасига талабларни ошириш;
- Тегишли маҳсулот бозорларининг конъюктураси ва нархларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, экспорт базасини яратиш ва ривожлантиришда, экспорт маҳсулотларининг техник даражасини ва рақобатбардошлигини таҳлил қилиш ишини ташкил қилишда, экспорт учун янги маҳсулотларни аниқлашда ёрдам кўрсатиш;
- Ташқи савдода воситачилик хизматларини кўрсатиш;
- Халқаро битимларнинг лойиҳаларини келишиш, чет эл давлатларининг ташкилотлари ва фирмалари билан ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослаштириш масалалари бўйича хўжалик шартномаларини тузиш, тасдиқланган номенклатура бўйича тўғридан-тўғри кооперациявий алоқаларни ҳамда ишлаб чиқариш ва илмий-техник ҳамкорликнинг бошқа шакллари ривожлантириш;
- Ташқи иқтисодий алоқалар ва чет эл давлатлари билан ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Экспорт ва импорт тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларнинг сифати ва техник даражасига талабларни ошириш;
- Тегишли товар бозорларининг конъюктураси ва нархларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, экспорт базасини яратиш ва ривожлантиришда, экспорт маҳсулотларининг техник даражасини ва рақобатбардошлигини таҳлил қилиш ишини ташкил қилишда, экспорт учун янги товарларни аниқлашда ёрдам кўрсатиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маслаҳат, ахборот ва бошқа турдаги хизматларни шартнома асосида кўрсатиш;
- мижознинг хом ашёси билан операцияларни амалга ошириш;
- улгуржи савдо;
- чакана савдо;
- ташқи иқтисодий фаолият.

2.3. Компания Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширишга ҳақлидир.

2.4. Амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб этиладиган фаолият турлари қонунчилик билан белгиланган тартибда тегишли лицензия олинганидан сўнг амалга оширилади.

3-МОДДА.

УСТАВ ФОНДИ МИҚДОРИ, АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ТУРЛАРИ

3.1. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

3.2. Компаниянинг Устав капитали Компания мол-мулкининг унинг кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 13 436 042 958 (ўн уч миллиард тўрт юз ўттиз олти миллион қирқ икки минг тўққиз юз эллик саккиз) дона оддий (одатдаги) акцияларга бўлинган 13 436 042 958 (ўн уч миллиард тўрт юз ўттиз олти миллион қирқ икки минг тўққиз юз эллик саккиз) сўмни ташкил этади, жумладан:

- Давлат улуши - 100%, умумий қиймати 13 436 042 958 (ўн уч миллиард тўрт юз ўттиз олти миллион қирқ икки минг тўққиз юз эллик саккиз) сўм бўлган 13 436 042 958 (ўн уч миллиард тўрт юз ўттиз олти миллион қирқ икки минг тўққиз юз эллик саккиз) дона жойлаштирилган акцияни ташкил қилади.

3.3. Компания Устав фондини уставда назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати Компания давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

3.4. Устав фондининг кўпайтирилишида акцияларнинг ҳақини тўлаш муддати Компания қимматли қоғозлари чиқарилишини ваколатланган давлат органида рўйхатдан ўтказиш пайтидан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим. Компаниянинг кўшимча чиқариладиган қоғозларини жойлаштиришнинг муайян муддати уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

3.5. Битта тўланган оддий (одатдаги) акция Акциядорларнинг умумий йиғилишида бир овоз ҳуқуқини беради.

3.6. Акциялар ҳақини тўлаш пул маблағлари ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) билан амалга оширилиши мумкин.

3.7. Компаниянинг қўшимча акцияларига ҳақ тўлаш шакли уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

3.8. Компаниянинг мулки Компаниянинг акцияларини жойлаштиришдан олинган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, олинган даромадлар, шунингдек Компания томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тақиқланмаган сотиб олинган бошқа мол-мулқидан ташкил топади.

3.9. Жамият 1 000 000 000 000 (бир триллион) сўм миқдорида 1 000 000 000 000 (бир триллион) дона номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган қўшимча эълон қилинган эгасининг номи ёзилган оддий акция чиқаришга ҳақли.

4-МОДДА

КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

4.1 Компаниянинг бошқарув органлари қуйидагилардир:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув Кенгаши;
- Ижроия Органи.

5-МОДДА.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

5.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Компаниянинг юқори бошқарув органидир.

5.2. Компания ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

5.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Компания уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қонунчиликда назарда тутилган масалалар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

5.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

- Мазкур уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Компанияни қайта ташкил этиш;
- Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатув комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Компания кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Компаниянинг устав фондини камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- Компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- Компания ижроия органини тузиш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
- Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарларини лавозимига тайинлаш ва ундан озод қилиш, уларнинг кейинчалик тасдиқланиши учун тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юбориш;
- Компания тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
- аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматиغا тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Кузатув Кенгашининг Компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;
- Компаниянинг йиллик бизнес-режасини, йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- қонунчиликда ва Компаниянинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда битимларни тузиш;
- қонунчиликда ва Компаниянинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Компаниянинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштириши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш;
- Компаниянинг бошқарув органлари фаолиятининг тартибини белгилаб берувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
- Компаниянинг Уставида, ички ҳужжатларида ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

5.5. Қуйидаги:

- Мазкур уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Компанияни қайта ташкил этиш;
- Компанияни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш;
- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Компания соф активлари миқдорининг ўн беш фоиздан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни

бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатуви кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Қолган масалалар бўйича қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг оддий овоз кўпчилиги билан қабул қилинади.

5.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компания ижроия органига берилиши мумкин эмас.

6-МОДДА.

КОМПАНИЯНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

6.1. Компаниянинг кузатуви кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, қонунчилик билан акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

6.2. Кузатуви Кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 йил муддатга сайланадиган 7 нафар аъзодан иборат. Компания Кузатуви Кенгашининг таркибига Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ нинг ишончли бошқарувчиси қиради.

6.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Компания кузатуви кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатуви кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади.

6.4. Компания кузатуви кенгашининг ваколатларига қуйидагилар қиради:

- Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- Компания акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг қон тартибини тайёрлаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Компания уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш орқали ёки эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида Компания томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Компания устав фондини кўпайтириш, мазкур Компания Уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш (қарор бир овоздан қабул қилинади);

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Компаниянинг акциялари эмиссия рисоласини, шунингдек унга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг матнини тасдиқлаш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- Компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Компания кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш;
- Компания тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Компаниянинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- Компаниянинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- Компания Бошқарув Раисининг йиллик бизнес-режасининг бажарилиши бориши тўғрисида ҳисоботларни ҳар йил чорагида тинглаш ва Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномаларни Компания Уставини қўпол бузган ҳолларида ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарарлар етказилиши ҳолларида муддатидан илгари тўхтатиш;
- Компания Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарларидан ташқари Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- Компания номидан Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларини ёллаш тўғрисидаги бир йил муддатга меҳнат шартномаларини тузиш ва/ёки ёллаш шартномаларини имзолаш учун ваколатланган шахсни белгилаш;
- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда мол-мулкни олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;
- Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

6.5. Компания кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

6.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган барча масалалар бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

6.7. Компаниянинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

6.8. Компаниянинг ижроия органининг аъзолари, шунингдек унда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар мазкур Компаниянинг кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

6.9. Компаниянинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

6.10. Компаниянинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

6.11. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

6.12. Компаниянинг кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

6.13. Компаниянинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақли.

6.14. Компания кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

6.15. Компаниянинг кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

7-МОДДА.

КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

7.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Бошқарув томонидан амалга оширилади. Компания Бошқаруви Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга, ҳар йили ёллаш шартномасини бекор қилиш ёки уни узайтириш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолда, тайинланади. Компаниянинг Бошқарув раисини сайлаш хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда Компания акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади. Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарларини лавозимига тайинлаш ва ундан озод қилиш Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қароридан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқлаши учун киритилади. Бошқарув 5 нафар аъзодан иборат.

7.2. Компания Бошқарувининг ваколатига компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

7.3. Компания Бошқаруви Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил қилади.

7.4. Компания Бошқарув раиси Компания номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан, унинг манфаатларини ифодалайди, компания номидан битимлар тузади, компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, компаниянинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

7.5. Компания бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, компания уставида ҳамда уларнинг ҳар бири компания билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома компания номидан компания кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Компаниянинг директори, компания бошқарувининг раиси, ишончли бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг компания фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда компаниянинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва компания кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

7.6. Компаниянинг Бошқарув Раиси вазифасини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат компания кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

7.7. Компаниянинг кузатув кенгаши компания бошқарувининг аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи билан тузилган шартномани, агар улар компания уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки компания кузатув кенгаши томонидан компания ижроия органининг, ишончли бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, компания ижроия органининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин

7.8. Бошқарув Компаниянинг Устави асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

7.9. Компания Бошқарувининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Компаниянинг жорий фаолиятининг дастурларини ишлаб чиқиш;
- Махфий ахборот рўyxатини ва уни олиш тартибини аниқлаш;
- Кузатув кенгашига ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига Компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги балансни ва йиллик ҳисоботни тақдим этиш;
- Кузатув кенгашига ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига Компаниянинг фойдасини тақсимлаш ва зарарларини қоплаш бўйича таклифларни тақдим этиш;
- Компаниянинг ички ҳужжатларини ва ижроия аппаратининг ташкилий тузилмасини ўз ваколатлари доирасида тасдиқлаш;
- Юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан даъволарни қўйиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;
- Компаниянинг мол-мулкни ва пул маблағларини, мазкур Устав ва амалдаги қонунчилик билан белгиланган ваколатлари доирасида тасарруф қилиш;

- мазкур Устав ва амалдаги қонунчилик билан ижроия органининг ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш;
- Жамиятнинг хайрия ва бошқа беғараз ёрдам кўрсатишга доир йиллик харажатлари ўтган йил учун олинган соф фойданинг 10 фоизидан ортмаслигини ва бу ишни ўтган ҳи собот йили учун жамиятнинг соф фойда қисми бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилган тақдирдагина амалга ошириш тартибига амал қилинишини таъминлайди.

7.10. Бошқарувнинг мажлисида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг талабига кўра берилади.

7.11. Компания Бошқарувининг мажлисларини ўтказишни Бошқарув Раиси ташкил қилади, у Компания номидан барча ҳужжатларни ҳамда Бошқарув мажлиси баённомаларини имзолайди, Компания бошқаруви ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Компания номидан ишончномасиз иш юритади.

7.12. Компания кузатув кенгашининг ва бошқаруви аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда компаниянинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

7.13. Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган компания кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.14. Агар амалдаги қонунчиликка мувофиқ бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг Компания олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади.

7.15. Компания ёки Компания жойлаштирган оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) Компанияга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни даъво қилиб кузатув кенгаши ёки Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

8-МОДДА.

ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

8.1. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун мазкур уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 йилга сайланадиган 3 нафар аъзодан иборат бўлган тафтиш комиссияси сайланади.

Компания тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Компания кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

8.2. Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

8.3. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчиси), акциядорлар умумий йиғилишининг, Компания кузатув кенгашининг

ташаббусига кўра ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Компания кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

8.4. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Компаниянинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади, бу хулосада:

Компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга ошириляётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

8.5. Компания тафтиш комиссиясининг талабига биноан Компаниянинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

8.6. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) Компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда Компания кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

8.7. Мазкур Уставнинг 8.4. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

9-МОДДА.

ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

9.1. Компанияда ички аудит хизмати тузилади, у Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва унга ҳисобдор бўлади.

9.2. Ички аудит хизмати Компания Бошқаруви, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс этирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишининг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали компаниянинг Бошқаруви, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

9.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Компаниянинг ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомига мувофиқ амалга оширади.

10-МОДДА.

БОШҚА ҚОИДАЛАР

10.1. Компания юридик шахс деб ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур Устав асосида амалга оширади.

10.2. Компания ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси худудидаги ва худудидан ташқаридаги банкларда ҳисобварақларига, ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган, ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлади.

10.3. Компания ўз номи ёзилган штампи ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

10.4. Компания Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади.

10.5. Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

10.6. Компания Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳам Компаниянинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

10.7. Мазкур Уставга киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклида амалга оширилган, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органи томонидан рўйхатга олинганидагина ҳақиқий бўлади.

10.8. Агар ушбу Уставнинг қоидаларидан бири ҳақиқий бўлмай қолса, бу ҳолат қолган қоидаларнинг амал қилишини тўхтатиш учун сабаб бўла олмайди. Ҳақиқий бўлмаган қоида ҳуқуқий жиҳатдан йўл қўйилиши мумкин бўлган қоида билан алмаштирилади.



Sham

Tuzilma


komissiyam

to'g'ri qaratilgan

14.01.2021

Sham

12.01.16



[Handwritten signature]